

По переводу произведений писателей соседних стран можно назвать перевод на английский язык пьесы известного казахского драматурга Султанали Балгабаева «Ең сулы келиншек», которая была поставлена в театре на XXI -м международном фестивале в Египте в 2009 году артистами Каракалпакского музыкального академического театра нашей республики.

Из работ, выполненных студентами- членами кружка «Молодой переводчик» заслуживающих внимания, можно отметить следующие: перевод поэтических произведений классиков английской поэзии В.Шекспира, Дж.Г.Байрона, а также других поэтов - У.Вордсворда, Р.Бэрнса, Э.Браунинга с английского на узбекский и каракалпакский языки выпускниками Д.Джуманиязовым, Т.Сейтмуратовой, Б.Садыковой, Д.Каримовым, студентом А.Мухаммадияровым, стихов и песен английского фольклора «Mother Goose Rhymes» и английских народных сказок Н.Ешимбетовой, Д.Шакировой, М.Алимбетовой, перевод произведений в прозе У.С.Мозма, О'Генри и других писателей студентом И.Халмуратовым.

Существенным вкладом студентов в работу по художественному переводу являются переводы разных жанров каракалпакского народного фольклора (песен, стихов, сказок) на английский язык. Выход в свет «Каракалпакского фольклора» в 100-томах ещё раз под-

тверждает тот факт, каким богатым и самобытным является фольклор нашего народа. Это стало важным событием не только для нашей республики, но и для всех стран Средней Азии. Переводы произведений устного народного творчества представляют ценность его просветительским, идейно-воспитательным значением, в сочетании с силой эстетического воздействия, они являются одним из действенных средств в духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения. Как отметил Президент республики, сегодня «...сама жизнь – как никогда прежде требует повышения роли и ответственности художественного слова в целях объединения всех людей с добрыми помыслами для совместного решения чрезвычайно сложных проблем современности, ...воспитания молодёжи, которая составляет почти треть населения планеты, на основе высоких идей гуманизма» [1:1].

Переводы, сделанные преподавателями и студентами пединститута являются вкладом в ту большую работу, которая проводится в нашей республике известными учёными, писателями и поэтами с целью популяризации литературы и культуры нашей страны, и мы надеемся, что из года в год будет расти число работ по переводу классической и современной национальной литературы, и они займут достойное место в мировой литературе.

Литература

1. Мирзиёев Ш.М. Выступление на первой международной конференции «Актуальные вопросы изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы». -Ташкент: 7-8 августа, 2018.
2. Гарбовский Н.К. Теория перевода. -Москва: Изд. МГУ, 2004.
3. Гачециладзе Г.Художественный перевод и литературные взаимосвязи. -Москва: 1980.
4. Уляшов П. Ветер земных дорог. -Нукус: «Каракалпакстан».1989.
5. Savory Th. The Art of Translation. -London: 1957.

РЕЗЮМЕ

Мақола бадий таржима масалаларига бағишланган. Бадий таржима назарияси ва амалиётини ривожлантириш тилшуношлигини долзарб масалаларидан биридир. Затан, хозирги даврда халқаро алоқалар воситаси ҳисобланган миллий адабиётларнинг энг яхши намуналарини инглиз тилига таржима қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ишта пединститут инглиз тили ва адабиёти кафедрасида таржима юзасидан олиб борилаётган ишларга қисқача обзор берилган. Машхур ўзбек ва каракалпоқ ёзувчилари асарларини инглиз тилига таржима қилиш дунё мамлакатлари халқларини ватанимиз адабиёти билан таништиришда кенг имкониятлар эшигини очди.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам художественного перевода. Развитие теории и практики художественного перевода является одним из актуальных вопросов языкознания, так как сегодня большое значение придаётся переводу лучших образцов национальной литературы на английский язык, являющийся средством международного общения. Дается краткий обзор работы по переводу, который проводится на кафедре английского языка и литературы пединститута. Перевод художественных произведений известных узбекских и каракалпакских писателей и поэтов на английский язык предоставляет широкие возможности людям разных стран ознакомиться с литературой нашей страны.

SUMMARY

The article deals with the issues of literary- artistic translation. The development of theory and practice of literary translation is one of the actual issues of Linguistics, as today the translation of the best samples of the national literature into English, that is a means of international communication, is of a great importance. The author gives a brief review of the work in translation that is being done at the Department of the English language and literature of the institute. Translation of the works of the outstanding Uzbek and Karakalpak writers and poets gives wide opportunities to the people of different countries to get acquainted with the literature of our country.

МАХТУМҚУЛИНИНГ БАЪЗИ ЎЗБЕКЧА ШЕЪРЛАРИ ТАРЖИМАСИДА ВАЗНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Сапаева – филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: Махтумқули, шеър, бадий таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, аслият, вазн, турок, ҳижо, кофия, таржимон.

Ключевые слова: Махтумқули, стихотворение, художественный перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, значение, оригинал, смысл, ритм, рифма, переводчик.

Key words: Mahtumkuli, poem, literary, translation, Turkmen language, Uzbek language, content meaning, translation, origin, rhythm, rhyme translator (terms of art poems).

Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималарида шоир шеърлари вазнларининг сақланиши ҳалигача махсус тадқиқ объекти бўлмаган. Ҳолбуки, шеър таржимада вазн муҳим ўрин тутди: вазний мувофиқликка эришилмаса, таржима муваффақиятли чиқмайди. Айни жиҳатдан, шеър таржимада муқобил вазн топиш – муваффақият қилити ҳисобланади. Яқин тиллардан таржимада бу муаммо нисбатан осон ҳал қилинади. Чунки уларда кўпинча бир шеър тизимга амал қилади. Масалан, туркий халқлар шеърларида бармоқ тизими ҳам, аруз ҳам бирдай қўлланган. Шунга

кўра, уларнинг бирдан иккинчисига шеър таржимада вазн муаммосига дуч келинмайди. Туркман шеърларидан ўзбекчага таржималар борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Жумладан, атоқли туркман шоири Махтумқули шеърлари таржимасида ҳам вазн алоҳида масала сифатида кун тартибига чиқмаган. Маълумки, шоир шеърлари асосан бармоқ вазнида яратилган. Махтумқули ижодида саккиз ва ўн бир ҳижоли бармоқ вазни етакчилик қилади. Қизиғи, ўзбек шеърларида тоқ ҳижоли вазнлар (етти, тўққиз, ўн бир) кўп қўлланади. Жуфт вазнлардан эса энг кам

кўлланадигани саккиз ҳижоли бармоқ. Бу вазн кўлланганда ҳам кўпинча етти ҳижоли бармоқ вазни билан бирга кўлланади, яъни муайян шеърнинг тоқ мисралари саккиз, жуфт мисралари эса етти ҳижоли бармоқ вазнида бўлади. Шунга қарамай, Махтумқулининг саккиз ҳижоли бармоқ вазнидаги шеърларининг барчаси ўз вазни билан таржима қилинди ва муваффақият қозонди. Улардан кўпининг хатто кўшиққа айланиб кетгани бунинг ёрқин исботидир. Чунончи:

Йорсең, ярим, гувона мен

Серви камат бойларыңа.

Гүлден пушеш ярашыпдир,

Ажап рахат бойларыңа [1:96].

Ж.Шарилов таржимаси:

Юрсанг, ёрим, қувонаман

Сарвиқомат бўйларингга.

Гулдан либос ярашибдир

Соғ-саломат бўйларингга [2:101].

Ўн бир ҳижоли бармоқ вазни эса ўзбек шеъриятининг ҳам энг етакчи жанри бўлганлигидан бу борада ҳеч қандай муаммо бўлган эмас. Масалан:

Кеш эйледим, гездим ышкың дағында,

Не беладыр, кимсе чекер бу дерди.

Ышк дағын ассалар гөгүң бойнундан,

Гөк титрейип, чеке билмез бу дерди [3:120].

Ж.Шарилов таржимаси:

Сайр айладим, кездим ишқинг тоғидан,

Не балодир, ким чекар, бас, бу дардни?

Ишқ тоғин оссалар кўкнинг бўйнидан,

Кўк титрайди, қўтаролмас бу дардни [2:65].

Лекин шоирнинг бармоқ вазнидаги шеърлари таржимасида турок бузилишлари кўп учрайди. Ҳолбуки, турок ўзгарса, вазн нафақат бузилади, балки ўзгаради ҳам. Масалан, “Ўғлим – Озодим” шеърдаги қуйидаги банд таржимасини кўриб чиқайлик:

Аслиятда:

Билгешлейин өзүң \ нирэ атар сен? 6\5

Ничик ишдир, \ муны бейле \ тутар сен? 4\4\3

Дийгил ахыр, \ кимиң биле \ гидер сен? 4\4\3

Дем тартып, хер яна \ бакмагыл, оглум! [1:22] 6\5

Э.Очилов таржимаси:

Қайга боришини \ мунча қасд \ этарсан? 5\3\3

Қандай ишки, \ ўзинг бундай \ тутарсан? 4\4\3

Қани, айт, ким \ билан ўзи \ кетарсан? 4\4\3

Оҳ уриб, \ ҳар ёққа \ боқмагил, ўғлим! [4:372] 3\3\5

Кўриниб турганидек, аслиятнинг ўзида турок бузилишлари мавжуд: биринчи ва тўртинчи мисралар 6\5, иккинчи ва учинчи мисралар 4\4\3 турокли 11 ҳижоли бармоқ вазнида. Бундан банднинг икки хил вазнида эканлиги маълум бўлади. Таржимада эса вазнлар яна биттага ортган: биринчи мисра 5\3\3, тўртинчи мисра эса аксинча 3\3\5, иккинчи ва учинчи мисралар 4\4\3 турокли 11 ҳижоли бармоқ вазнида. Ҳолбуки, бармоқ тизимида бундай ҳар хилликка йўл қўйилмайди. Тўғри, тоқ ва жуфт мисралар алоҳида-алоҳида вазнда ёзиладиган кўринишлар ҳам мавжуд (масалан, 8\7). Лекин хоҳлаган мисра хоҳлаган вазнда ёзиладиган бундай тартибсиз шакллар йўқ.

Албатта, шеърлар халқ ичидан ёзиб олиб тўплангани учунми, Махтумқули шеърларининг ўзида ҳам вазний сакталиқлар, турок бузилишлари кўплаб учрайди. Лекин бу ҳол таржимонга уларни айна камчиликлар билан ўтказиш ҳукуқини бермайди.

Ўзбек ўқувчилари жаҳон илму адаб аҳлини нафақат кенг ва теран мазмун, балки гўзал шакли билан ҳам ҳайратга солиб келаётган бадийий юксак шеъриятнинг ворислари сифатида бундай шаклий номувофикликларни қабул қилолмайдилар. Таржимон фақат аслият ҳолатини эмас, таржима ўқувчиси диди ва савиясини ҳам ҳисобга олиб иш кўриши керак.

Биз аруздаги вазний сакталиқлар ҳақида кўп гапира-

миз. Ҳолбуки, арузда ҳижо ўзгариши вазний сакталиқни келтириб чиқарганидек, бармоқ ўлчовида ҳам бўғиннинг ортиши ёки камайиши, турок бузилиши вазннинг ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, “Қарам истарман” шеъри 8 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, М.Азим уни айна вазннинг ўзи билан таржима қилади. Лекин баъзи бандлар таржимасида бўғинларнинг ортиши вазний бузилишларни келтириб чиқарган. Жумладан, қуйидаги банднинг биринчи мисраси 7 ҳижоли, учинчи мисраси 9 ҳижоли, иккинчи ва тўртинчи мисралари 8 ҳижоли бармоқ вазнида. Ҳолбуки, турок жиҳатидан уларда ҳам ўзгариш бор: иккинчи мисра 3\3\2 турокли, тўртинчи мисра 3\2\3 турокли бармоқ вазнида. Бундан маълум бўладики, биргина банд 4 та вазнда таржима қилинган:

Таңры бермесе, нәдели,

Баш алып, кайда гидели,

Отуршы-туршы эдалы,

Ғашлары ғалам исләрин [1:10].

Таңғри бермаса нетай, (7)

Бош олиб қай томон кетай? (8)

Ўтириб-туриши адоли, (9)

Қошлари қалам истарман [5:11]. (8)

“Ҳар ёна” шеъри ҳам 8 ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, учинчи банднинг иккинчи ва учинчи мисралари 9 ҳижоли ҳамда биричи ва тўртинчи мисралари 8 ҳижоли бармоқ вазнида. Лекин бунда 8 ҳижоли вазнлар турок жиҳатидан фарқланади: 2\3\3 ва 3\2\3:

Ғадыр биленден даш этме,

Нәгадыра ёлдаш этме,

Тил билмез бела душ этме,

Сада тил болсун – туркана [1:18].

М.Аҳмад таржимаси:

Қадр билгандан таш этма, (8)

Қадр билмаса йўлдош этма, (9)

Тил билмас балого дуч этма, (9)

Содда тил бўлсин туркона! [6:11] (8)

Махтумқулининг “Тонг отмасдан бурун” шеъри 8 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган. М.Аҳмад уни “Бўлмасдан аввалроқ” номи билан “-роқ” кучайтириш кўшимчасини қўшиб таржима қилади. Бу эса таржимада шеър вазнининг бузилишига олиб келган: биринчи, иккинчи ва барча бандларнинг тўртинчи мисралари 9 ҳижоли чиқиб қолган:

Мағтымгулы, доғры сөйле,

Өмрүң гелип, гечер бейле,

Зынхар, яшулыңы сыйла,

Баш гөре гирмесден бурун! [1:30]

Махтумқули, тўғри сўйла,

Умринг елдай ўтар, ўйла,

Зинҳор улугларни сийла,

Боқийга бормасдан аввалроқ [7:49].

Махтумқули шеърлари таржимасини вазн нуқтаи назаридан текшириш шоирнинг бармоқ вазнидаги шеърлари таржимасида ҳам деярли барча таржимонлар турли даражадаги вазн бузилишларига йўл қўйганликларини кўрсатади. Бу эса айна таржималарни ва умуман шеърый таржималарни вазн нуқтаи назаридан махсус текширишни тақозо этади.

Одатда, арузий шеърлар таржимасида вазн алмашувлари кўп учрайди. Арузни яхши билмаганлари учун таржимонлар бу ўлчовдаги намуналарни кўпинча бошқа вазнларга, хатто бармоққа солиб таржима қиладилар. Ҳолбуки, кузатишлар бармоқ вазнидаги шеърлар таржимасида ҳам вазний ўзгаришлар учрашини кўрсатади. Масалан, “Мажнуни бордир” ғазали 16 ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, Шайхзода уни 15 ҳижоли (албатта, аслият вазний сакталиқлардан холи бўлмай, баъзи мисралари 15 ҳижоли) бармоқ вазнига солиб таржима қилади:

Пеше бирлен пилни тутуп, гөр, бу пелек оюн қылар,

Пеше дийип агыртмагыл, жеседиде жаны бардыр [1:72].

*Чарх-фалак назарида фил ҳам паиша баробар,
Эрмак дея паишага ҳам берма озор, эй инсон!* [8:440]

Э.Очилов ғазални ўз вазнида таржима қилган:
*Паиша билан филни тутиб, боқ, бу фалак қилар ўйин,
Паиша дея берма озор, паишанинг-да жони бордир* (БН, 98).

“Найлай, энди бечораман” шеърининг биринчи банди 7 ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, фақат нақарот тарзида такрорланиб келувчи охириги мисраси 8 ҳижоли бармоқ вазнида (Шеърнинг қолган бандлари тўлиқ шу вазнида давом этади). О.Сафаров эса унинг дастлабки икки мисрасини 9 ҳижоли бармоқ вазнида, қолган мисраларини эса 8 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилган:

Ватанымда хан идим,
Ханлара перман идим,
Дертлере дерман идим,
Мисгине дукан идим,
Жансызга мен жан идим,
Нейлей, инди бечереем [1:93].

*Ватанымда мен эсон эдим,
Хонларга ҳукмфармон эдим,
Дардлиларга дармон эдим,
Мискинларга дукон эдим,
Жонсизларга минг жон эдим,
Энди, найлай, бечора мен* [9:47].

Махтумқулининг аруздаги шеърлари асосан ғазал ва мухаммас бўлиб, ора-сира мурабба, мусаддас, мусаббаъ (еттилик), мутассаъ (тўққизлик), муашшар (ўнлик) жанрлари ҳам учрайди. Лекин бу жанрлар аруз билан боғлиқ бўлса ҳам, улар кўпинча ўзбек шеърлятидаги бармоқдаги ғазаллар каби бармоқ вазнида ёзилган. Шоирнинг арузий шеърлари таржимасида қуйидаги ҳолатларни кўрамиз:

1. Анъанага кўра, аруз вазнида ёзилиши керак бўлса-да, лекин бармоқ вазнида яратилган шеърлари бармоқ вазнида таржима қилиш. Масалан, шоирнинг “эй дўст” радибли ғазали ўн тўрт ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, барча таржимонлар уни айни вазннинг ўзида таржима қилганлар:

Гозуме хергиз сенсиз горунмез жахан, эй дост!

Не жахан, белки, тенде гер болса сед жан, эй дост! [1:44]

Ж.Шарипов таржимаси:

Сенсиз кўзимга ҳариз кўринмас жаҳон, эй дўст,

Не жаҳон, балки танда гар бўлса юз жон, эй дўст [2:95].

Аруз вазнини яхши билган ва Махтумқулининг кўплаб шеърларини ўз вазнида таржима қилган Э.Очилов ҳам шоирнинг бармоқ вазнидаги кўплаб ғазалларини бармоқ ўлчовида ўзбекчалаштиради. Жумладан, “Номус-орима” ғазали 15 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни 14 ҳижоли бармоқ вазнида ўтиради:

Пелек карарындан дүшүп, пида болмуш зарыма,

Бир ажайып зыба пери, гирмиш ышк базарыма [1:142].

Фалак аҳдидан қайтиб, қулоқ солмиш зорима,

Бир ажойиб париваи кирмиш ишқ бозорима [4:682].

Махтумқулининг қатор мухаммаслари каби “Бўлдим энди” номли ғўзал мухаммаси ҳам 14 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган ва барча таржимонлар уни ўз вазнида ўзбекчалаштирганлар:

Дунйә менден хезл этмез, мен хем бәхре алмаз мен,

Одум өтгүр, дердим чох, хошвагт олуп гүлмез мен,
Агыр баха әлемни алты жөвге алмаз мен,
Дост кайсы, душман кайсы, пархын әде билмез мен,
Хич кимсе аңмаз халым, аяна болдум имди [1:50].

Э.Очилов таржимаси:

*Дунё мендан қувонмас, мен ҳам баҳра олмасман,
Ичим ёнар, дардим кўп, ҳушвақт бўлиб қулмасман,
Қимматбаҳо оламни бир арпага олмасман,
Дўст қайси, душман қайси мулкин тўзитди, фарқин*

сира билмасман,
Ҳеч кимса билмас ҳолим, аёна бўлдим энди [4:27].

2. Аруз вазнидаги шеърни бармоқ вазнида таржима қилиш. Масалан, “Найларам” мухаммаси рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – – У – – / – У – – / – У – – / – У –) да ёзилган бўлиб, Абдумўмин Жумаев уни 15 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилади:

Горнушинг ашретнема, горкунг учин конглум гудаз,
Гысга ыкбалым голы, дост, дамени – васпын дераз,
Пур хатар, ол ёл йырак, ышкын геран, кувватым аз,
Душмушем бир мушқуле, сен-сен бу иши чаре саз,
Илтифатын имди қыл, отген махалы нейлерем [1:34].

*Оразинг ишратнамо, кўркинг учун кўнглим гудоз,
Қисқа иқболим қўли, дўст, домани васфинг дароз,
Пурхатар ул йўл йироқ, ишқинг гарон – қувватим оз,
Тушмишам бир мушқулга, сенсан бул ишга чорасоз,
Илтифотинг эмди қил, ўтган маҳални найларам* [10:59].

3. Арузни билмаган ҳолда, аслият оҳанги таъсирида интуиция билан таржима қилиш ва натижада кўплаб вазний сакталикларга йўл қўйиш.

4. Аруз вазнидаги шеърни аруз билан таржима қилиш.

5. Бармоқ вазнидаги шеърни аруз вазнига солиб таржима қилиш.

Махтумқулининг аруздаги шеърлари асосан рамал баҳрида. Баъзида *ҳазаж ва ражас вазнидаги шеърларига* ҳам дуч келамиз. Биламизки, туркий шеърятда кўп қўлланиши жиҳатидан айни вазнлар *арузнинг туркий вазнлари* деб юритилади. Бу эса уларни ўз вазнида таржима қилиш учун таржимонларга муайян енгиллик ва қулайлик туғдириши шубҳасиз. Шунга қарамай, Махтумқулининг аруздаги шеърларини фақат М.Кенжабек ва Э.Очиловлар арузда ўзбекчалаштиришнинг уддасидан чиқишган. Гарчи бошқалар ҳам бунга уринган бўлишса-да, уларнинг бу борадаги изланишларида *вазний сакталиклар ҳаддан зиёд кўп*. Бу ҳол уларнинг арузни яхши билмасликларидан далолат беради. Ҳолбуки, Э.Очилов шоир шеърлари таржимасида ҳатто аслиятдаги вазний сакталикларни ҳам бартараф этиб, ҳатто баъзи *бармоқдаги ғазал ва мухаммасларини ҳам арузда таржима қилишга* журъат этган.

Таҳлиллардан маълум бўладики, Махтумқулининг бармоқ вазнидаги барча шеърлари ўз вазнида ўғирилгани ҳолда, унинг қаламига мансуб аруздаги намуналар кўпинча бармоқ вазнига солиб ўзбекчалаштирилганки, шоир шеърларининг келгусида амалга ошириладиган таржималарида бу борада йўл қўйилиб келинаётган айни қусурларни бартараф этиш тақозо қилинади. Чунки шеърый таржима талабига кўра, ҳар қандай шеър ўз вазнида ёки унга мувофиқ келадиган вазнида таржима қилиниши керак. Махтумқули шеърларини ўзбек тилига таржима қилишда эса бунинг имконияти мавжуддир.

Адабиётлар

1. Магтымгулы. Сайланан эсерлер. Ики томлук. 1-том. -Ашгабат: “Туркменистан”, 1983.
2. Махтумқули. Танланган асарлар. (Ж.Шарипов тарж.) -Т.: “Ўзадабийнашр”, 1960.
3. Магтымгулы. Шыгырлар. Үч томлук. 1-том. - Ашгабат: “Туркменистан”, 1992.

4. Махтумкули. Булбул нолаши. (Э.Очилов тарж.) - Т.: HILOL-NASHR, 2014.
5. Махтумкули. Боди сабони кўрсам. (М.Азим тарж.) - Бухоро: 2013.
6. Махтумкули. Севмишам сени. (М.Ахмад тарж.) - Т.: DAVR PRESS HMY, 2016.
7. Махтумкули. Сайланма. (М.Ахмад тарж.) - Т.: “Ўзбекистон-Ёзувчи”, 1995.
8. Максуд Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. -Т.: “Бадий адабиёт”, 1958.
9. Сафаров О. Болалигим қолган кўчалар. -Т.: “Мухаррир”, 2010.
10. Махтумкули-Фироғий. Сайланма. (А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар тарж.). -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Махтумкули шеърларининг жанрий таркиби тўғрисида фикр юритилиб, уларнинг ўзбекча таржималари вази нуқтаи назаридан текширилади. Хусусан, Махтумкулининг ўзбек таржимонлари М.Шайхзода, Ж.Шарипов, Э.Очилов, М.Ахмад, М.Азим, О.Сафаровларнинг таржималари тадқиқ объекти қилиб олинди. Таҳлил намуналари ўзбек ва туркман тиллари мисолида ҳаққоний талқин қилинди.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о жанровом составе стихотворений Махтумкули, а переводы его стихотворений на узбекский язык исследуются с точки зрения метрической системы. В особенности, рассматриваются переводы стихотворений Махтумкули, узбекскими переводчиками М.Шайхзода, Ж.Шарипов, Э.Очилов, М.Ахмад, М.Азим, О.Сафаровым, как объекта исследования. Образцы анализов обсуждались на узбекском и туркменском языках.

SUMMARY

In the article the genre structure of Maktumkuli's poems and their Uzbek translations are studied from the point of view of meters. His poems were translated into Uzbek by Uzbek translators M.Shayhzoda, J.Sharipov, E.Ochilov, M.Ahmad, M.Azim, O.Safarov. Their works are considered as the object of the research. Samples of analyses were discussed in the Uzbek and Turkmen languages.

БОБУРНИНГ ДАВР ВА КЕЧМИШ ТАРИХИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

И.И.Сулаймонов – филология фанлари номзоди, доцент

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Бобур, тарихий шахс, рухий вазият, зиддият ва кечинма, тарих ҳақиқати ва бадий талқин, сиёсий ва адабий муҳит, ғолиб ва мағлуб.

Ключевые слова: Бабур, историческая личность, психологическая ситуация, конфликт и переживание, правда истории и художественная интерпретация, политическая и литературная среда, победитель и побеждённый.

Key words: Bobur, historical person, psychological situation, conflict and experience, the truth of history and literary-artistic interpretation, political and literary environment, winner and loser.

Маълумки, Захириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб, ўзбек реалистик насрининг классик намунаси “Бобурнома”да уч минтақа (Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон) тарихи баён этилган. У 1600 тадан ортиқ тарихий шахслар ҳаёти одилона баҳоланган жаҳонга машхур дурдона асардир. Бу асар ҳақида дунё халқлари илмпарварлари энг сара сўзларини айтганлар, уни юксак эҳтиром билан тилга оладилар. Биргина инглиз тарихчиси Эльфинсоннинг «Бобурнома» ва унинг муаллифи ҳақида: «...бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийими, таъби ва одатларини ифода қилади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандчилик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди», - деган фикрлари фикримизга ойдинлик киритади [1:23]. Ушбу эътирофнинг ўзиёқ Бобур ва айниқса машхур «Бобурнома»га муаллиф кўзи ва диди билан қарашни тақозо этади. Бунда энг аввало шахс ботини ва зоҳиридаги икки нуқта: ғолиб ва мағлублик руҳияти ниҳоятда теран очиб берилади. Зотан, унда сертахлика бир даврда шахснинг руҳий ҳолати, турли оғир дамларда ўзини тута билиши ва ёки аксинча, ҳаракатини бошқара олмаслиги ҳоллари зийраклик билан кузатилади. Бу тажриба дунё тарихида салтанат бошлиқлари, нуфузли шахслар ҳаётида, давлатни бошқариш ва давр сиёсатини юргизишида муҳим ўрин тутати.

Бобур тарихий шахслар ва айниқса Ҳусайн Бойқаро ҳақида фикр юритар экан, биринчи навбатда, теурий-зодалар сиймосида тажрибали, одил ва қомил шахсни тасаввур қилади. Лекин у Ҳусайн Бойқаро давлатдорлигидаги айрим шахслар фаолияти салтанатни мустаҳкамлашга эмас, балки парчаланишга олиб келувчи ҳолатларини ҳам эслатиб ўтади. Бобур 1495-1496йиллар воқеаларига тўхталиб, Ҳусайн Бойқаро салтанатида Хусравшоҳ исмли бек бўлиб, охириги пайтда Ҳирот ҳокимиятига бўйсинмай қолганлиги ҳақида

гапиради. Бундай муносабат давлат ишини юргизишда бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаришини айтиб: «Хисравшоҳнинг мунча улғаймоғига ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғига Султон Ҳусайн мирзонинг икки қатла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди», - дейди [1:54].

Бобур Султон Ҳусайн мирзо салтанат бошқарувида жуда қалтис ҳаракат қилиб, Ҳирот салтанатида ота ва ўғил ўртасидаги муаммонинг нотўғри ҳал этилгани, салтанат бошқариш тарихида бундай ҳолат ҳали кузатилмагани, ниҳоят бу Султон Ҳусайн ҳамда фарзандлари орасида душманликкача бориб етган тарихий вазиятга баҳо беради. У бир ўринда: «Мовароуннаҳр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиъуззамон мирзога бериб, анинг вилоятиниким, Астробод бўлғай, Музаффар Ҳусайн мирзога берди. Ҳар иккаласини Балхқа ва Астрободқа бир мажлиста юқундурди. Бу жихатдин Бадиъуззамон мирзо тар бўлди. Мунча йил ёғийликлар ва фитналарнинг сабаби ул эди», - дейди [1:54].

Бобур Ҳусайн Бойқаро сиёсати ва давлатчилиги ҳақида гапириб, бир вилоят, юрт, маконга икки кишининг ҳоким, султон этиб тайинланишини теурийлар саройидаги энг нолойиқ иш деб билади. Бу қарор теурий шахзодалар орасида нифокни кучайтириши, уларнинг муносабатлари бузилиши ва ҳатто қонли жангларга олиб келишини ўша давр тарихчиси сифатида баён этади. Яъни, «баширкат подшоҳлик қилиш»нинг Ҳусайн Бойқаро давлатчилигидаги энг номуносиб иш деб билади ва буни тарихнинг хатоси деб баҳолайди: «...Бадиъуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳири тахтида баширкат подшоҳ қилдилар. ...Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқеъ бўлди: Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур: «Дах дарвеш дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нағунжанд» (Мазмун: Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётарлар, икки подшо бир иқлимга сиғмайди) [1:140]. Бунда Бобур Султон Ҳусайн мирзонинг тари-